

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 135 (391), 2021 йил 3 июль, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

МАРҲАМАТ ТУМАНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИННОВАЦИОН ЯНГИЛИКЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ?



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
инновацион ривожланиш вазири, академик

Президентимиз ўтган йил 21-22 май кунлари Андижонга ташрифи чоғида камбағалликни камайтириш масаласига Андижон тажрибаси сифатида мутлақо янгича ёндашув ташаббуси билан чиққан эди. Ушанда мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича кўрсатмалар бериб, ҳар бир вазирлик, идора, тармоқ корхоналари ва маҳаллий ҳокимлик вакилларига ишни хонадон, маҳалла, қишлоқ ва туман даражасида ташкил қилиш бўйича аниқ вазифалар топширилди. Муҳими, мамлакатимиз ҳудудининг бир фоизинигина ташкил этадиган Андижон вилоятида юртимиз аҳолисининг 10 фоизи яшаши камбағалликни бартараф этиш бўйича бажариладиган ишлар ва янгича ташаббусларнинг асосий нуқтаси бўлиши ҳамда бу борада бажариладиган ишлар самарадорлигини кўрсатувчи индикатор вазифасини ўташи аниқ ва равшан тушунтирилди.



Белгиланган асосий йўналишлардан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги Андижон тажрибаси сифатида қатор янгича ёндашувли ишларни бажарди. Аввало, аҳолини сердаромад, янги инновацияларга қизиқтириш ва улардан самарали фойдаланишини ташкил этиш мақсадида Марҳамат туманида 9 гектар ерда Андижон тажриба-кўргазма майдони ташкил этилди. У ўтган йиллар мобайнида илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажарилган, Андижон ҳудудига мослаштирилган янги ишланмалар ва технологиялар кўргазмалари майдони бўлиб, туман ва вилоят аҳолисининг кенг қатламига бу технологияларни тарғиб қилиш, ўргатиш ва ўз томорқа ҳўжаликларида, фермерлик ёки ишлаб чиқариш корхоналарида жорий этишга амалий қўмаклашиш ҳамда кейинчалик юқори самарадорликка эришиш бўйича консалтинг хизматлари кўрсатишга йўналтирилган.

Андижон тажриба-кўргазма майдони ҳудудида амарант, стевия, киноа, павловния, гожи, қушқўнмас, чиа, эйхорния, пистия ва азолла каби ўсимликлар тажриба тариқасида экилиб, парваришланмоқда. Масалан, озуқадорлиги маккажўхорикидан 5-6 баробар юқори бўлган, ёғи доривор саналадиган амарант ўсимлигининг андижонлик олимлар яратган, ҳудудга мослашти-

рилган "Марҳамат", "Улунор", "Андижон" ва "Ўзбекистон-М" каби серхосил янги навли кўчатзорлари ташкил қилинди.

Қатор ривожланган давлатларда талаб кун сайин ошиб бораётган, Ўзбекистон учун юқори озуқавий қувватга эга бўлган янги қишлоқ ҳўжалиги экин — киноа кўчатзорлари намойиши ташкил қилинди. Кўргазма майдонида қайта тикланувчи энергия манба сифатида биогаз қурилмаси урна-

тилиб, унда эйхорния ва амарант ўсимликларидан биогаз олиш йўлга қўйилди. Бу усул хайвон гўнгидан олинадиган биогазга нисбатан бир неча марта арзон ва самарадор экани амалда исботланган. Кўргазма майдонида павловния дарахтини қўлайтириш лабораторияси, юқори оқсилли ем тайёрлаш цехи, энергетик қурилмалар цехи ҳам жой олиши кўзда тутилган.

▶ Давоми 4-бетда

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ОЛДИДАН



Бахтиёр МУСТАФОЕВ,
Марказий Осиё халқаро институти директори ўринбосари

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон ташқи сиёсатида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу жараёнда Марказий Осиё минтақаси ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгилангани яхши қўшничилик ва қардошлик анъаналарини мустаҳкамлаш, дўстлик, ҳамкорлик муҳитини кучайтиришга замин яратмоқда. Табиийки, бундай яқин алоқалар мамлакатларимиз иқтисодиёти ривожига ҳам ўз самарасини намоеён қилаётди.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2017 йилда минтақанинг ялпи ички маҳсулоти 253 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига келиб, пандемия бўлишига қарамай,

бу кўрсаткич 300 миллиард долларга етди. Минтақа давлатларининг хорижий мамлакатлар билан савдо айланмаси ҳам 2020 йилда 168 миллиард долларга етиб, 56 фоизга ошди. Буларнинг барчаси узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Юртимизда ва минтақамизда эришилаётган бундай муҳим натижалар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётгани қувонарлидир. Қолаверса, ташқи сиёсат соҳасидаги дадил қадамлар туфайли Ўзбекистонга халқаро ҳамжамиятнинг ҳурмат-эътибори ошди. Шу билан бирга, Марказий Осиё яқдил минтақа сифатида баҳоланишига эришилди.

▶ Давоми 3-бетда

ЗАМОНДОШ

АЁЛ ТАДБИРКОР БЎЛСА... нафақат оиласи, жамият ривожига учун ҳам қайғуриб яшайди

Асл тадбиркор кишилар ўз ишбилармонлиги билан фаровонликка эришган. Фақат ўзларининг эмас, балки эл-улуснинг яхши яшаши учун ҳам ҳисса қўшган. Шиддат билан ривожланиб бораётган замон одамлардан унга ҳамнафас бўлиш, тенгма-тенг қадам ташлаш учун муттасил изланиш, ўқиб-ўрганишни талаб қилмоқда.

Оила бошлиғи, таъминотчиси саналадиган эркакларнинг ишбилармон бўлгани таҳсинга сазовор, аммо унинг топиб-тутиб келганини ўрнига қўядиган аёл оқила, тадбиркор бўлса-чи? Халқимиз орасида бежиз "Ота билимли бўлса, фарзанд билимли бўлади, она билимли бўлса, миллат билимли бўлади", деган нақл юрмайди.

Давлатимиз раҳбарининг аёллар тадбиркорлиги ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлашга

қаратилган қатор қарор ва фармонларидан илҳомланиб, ўз туманидаги "Аёллар дафтари", "Темир дафтар"га киритилган уй бекалари учун касб-хунарга ўргатувчи ўқув маркази, тикувчилик цехи очган тадбиркор — Насиба Тайлоқованинг амалга ошираётган ишлари билан танишиш жараёнида аёлнинг ишбилармон бўлиши нафақат оиласи, балки жамиятнинг ривожига учун қанчалик аҳамият касб этишига яна бир қарра амин бўлди.

"Мирзаободда Тўмарис авлодини кўрдим"

Биз ҳикоя қилаётган тадбиркор аёл Сирдарё вилоятининг қумлик, шўрхок тупроқдан иборат ҳудудда жойлашган Мирзаободда истиқомат қилади. Бу ерда аҳолининг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Аёлларнинг аксари уй бекаси, баъзилари масвумий дала ишларида ишлайди.

▶ Давоми 4-бетда



ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

Бугун ҳам тарихий тараққиётнинг янги ва айни дамда мураккаб босқичида Ўзбекистон Республикаси туркий тилли давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшишга тайёр.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ БИЛАН ТИЗИМЛИ ҲАМКОРЛИККА СТАРТ БЕРИЛМОҚДА

Фозилжон ОТАХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат, халқаро ҳамкорлик соҳасидаги ривожланиш истиқболлари тобора кенгайиб бормоқда. Юртимиз манфаатларини жаҳон майдонида илгари суриш, унинг халқаро нуфузини оширишда Олий Мажлис палаталарининг ўрни бекиёсдир.

эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик халқаро форумида иштирок этиш учун ТуркПА делегацияси юртимизга ташриф буюрди.

Ташриф доирасида делегация вакиллари Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А.Қодиров билан учрашди. Хабар берилганидек, ушбу учрашуларда ТуркПА ва Ўзбекистон парламенти ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, хусусан, мамлакатимизнинг ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлиши муҳокама қилинди.

Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси — минтақада ўз ўрни ва овозига эга ташкилот

Муштарак маънавий қадриятларимиз ва умумий тарихимизни бирлаштириб турган туркий дунё мамлакатлари билан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси (ТуркПА) билан изчил алоқалар ва конструктив мулоқот кенгайтирилаётгани муҳим тарихий воқеадир.

Маълумки, жорий йилнинг 23-24 июнь кунлари қўхна ва боқий Бухоро шаҳри мезбонлик қилган Барқарор ривожланиш мақсадларига

▶ Давоми 2-бетда

ҚАРОРГА ШАРҲ

ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистонда яна бир хорижий олий таълим муассасаси — Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ташкил этилди. Қуни кеча Президентимиз шу ҳақдаги қарорни имзолади.



Қарорга мувофиқ, бу филиалнинг асосий фаолият йўналишлари соғлиқни сақлаш тизими учун малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини жорий қилиш, тиббиёт соҳасида фундаментал ва амалий илмий-тадқиқотларни олиб бориш каби вазифалардан иборат бўлади.

Филиалдаги таълим жараёни Россия федерал

таълим стандартларига мувофиқ, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан келишилган ҳолда рус тилида олиб борилиши белгиланди.

Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети шонли тарихга эга. ОТМ 1906 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади.

▶ Давоми 2-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ БИЛАН ТИЗИМЛИ ҲАМКОРЛИККА СТАРТ БЕРИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

ТуркПАга тамал тоши 2008 йилнинг 21 ноябрида қўйилган бўлиб, шу кун Истанбул шахрининг Долмабючча саройида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия парламентлари раҳбарлари томонидан Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеясини тузиш тўғрисидаги қелишув имзоланган.

Ушбу ташкилотнинг расмий тиллари сифатида иштирокчи мамлакатларнинг давлат тиллари (озарбайжон, қозоқ, қирғиз ва турк тиллари) ҳамда инглиз тили белгиланган. Ўрнатилган қоидага кўра, ТуркПАга янги аъзо қўшилганда ушбу иштирокчи-мамлакатнинг давлат тили ҳам бирлашманинг расмий тиллари қаторига киритилади.

Бугунги кунда ТуркПА таркибида 4 та комиссия фаолият кўрсатиб келмоқда. Булар Қонунчилик ва халқаро алоқалар бўйича, Иқтисодий, маданий ва гуманитар масалалар бўйича, Иқтисодий кооперация бўйича, Атроф-муҳит ва табиий ресурслар бўйича комиссиялардир.

ТуркПАнинг ҳамкорлари қаторидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, Парламентлараро иттифок, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар жой олган.



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ТуркПА билан Ўзбекистон ўртасидаги мулоқот тобора фаоллашиб келмоқда. Бунга амин бўлиш учун яқин ўтмишга назар солиш kiffo.

ТуркПАнинг 2017 йил 8 декабрда бўлиб ўтган еттинчи йил мажлиси, 2018 йил 21 ноябрда ташкил этилган саккизинчи ялпи мажлиси, 2019 йил 18 декабрда ўтказилган тўққизинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон делегациялари қатнашди. 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларида ТуркПА делегацияси аъзолари халқаро кузатувчи сифатида иштирок этди. 2020 йилнинг 27-28 февраль кунлари Туркиянинг Анкара шаҳрида ТуркПА Ижтимоий, маданий ва гуманитар масалалар бўйича комиссияси ташкил этган семинарда Ўзбекистон Қонунчилик палатасининг делегацияси ташриф буюрди. Анжуманда кинематография

соҳасидаги модел қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинди. 2020 йилнинг 15 июнь кун ТуркПА томонидан ташкил этилган "COVID-19 пандемияси даврида сув ва ер ресурсларини ҳимоя қилиш" мавзусига бағишланган видео-конференцияда бизнинг Сенат вакили иштирок этди.

Маълумки, 2019 йилнинг 14 сентябрь кун Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақидаги Туркия Республикаси қонуни қабул қилинган. Бунинг натижасида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг 2019 йил 15 октябрь кун бўлиб ўтган еттинчи саммитида юртимиз тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимининг 4-моддасига мувофиқ, туркий тилли давлатлар парламентлари ўртасида ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида 2008 йил 21 ноябрдаги Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси тўғрисидаги Истанбул қелишувига асосан, Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси фаолият юритади. Яъни ТуркПА Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши шафелиги остидадир. Бундан англашладикки, ТуркПАга аъзо бўлиш туркий дунё билан яқинлашишга қаратилган чўқур ва пухта ўйланган давлат сиёсатининг мантқий давомидир.

Қайд этиш лозим, ТуркПА билан алоқаларни ривожлантириш зарурлиги 2020 йил 20 январь кун бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланган эди: **“Бундан ташқари, Олий Мажлис аъзо бўлиш қутилаётган Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси ва бошқа халқаро парламент тузилмалари доирасида ҳам ҳамкорликни кучайтириш керак”**.

Президентимизнинг ушбу ташаббуси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 271-бандида ҳам акс этган. Ушбу бандда белгиланган вазифани бажариш мақсадида Олий Мажлис палаталари томонидан Ўзбекистоннинг ТуркПАга аъзо бўлиши мақсадаги мувофиқлиги масаласи ўрганилди.

Албатта, таҳлиллар давомига туркий халқларни тил ва дин, ўхшаш маданий қадриятлар бирлаштириб тургани ино-



“ТуркПА туркий дунёнинг “ташриф қоғозига” айланиши учун барча имкониятлар мавжуд. Ушбу ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш учун изчил ислохотларни давом эттириш лозим. Бугунги кунда парламентларнинг “ақлий марказлари” роли ва ўрни кундан-кунга ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи орган фаолиятини илмий-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш соҳасида яқиндан тажриба алмашиш мақсадида туркий тилли давлатлар парламентлари “ақлий марказлари” иштирокида илмий-таҳлилий консорциумни тузиш таклиф этилади.

батга олинган. Бундан ташқари, қардош халқлар ўртасида қадимдан тараққий этган савдо-сотиқ муносабатлари мустақам дўстлик заңжирини яратганини эътироф этмай бўлмайди. Ушбу қалин ришталарни тиклаш ва янада ривожлантириш учун самарали институтлар, ўзаро мулоқотнинг замонавий форматларидан фойдаланиш эса айни ҳақиқатдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон туркий тилли давлатлар билан ҳамкорлигининг ТуркПА каби янги платформаларига “қадам қўйиши” ва бу жараёнларда миллий парламентимизнинг фаол иштироки Олий Мажлис халқ маффаатларининг чинакам ифодачиси бўлган катта бир куч эканидан далолат беради.

ТуркПАга оид ўрганишлар натижаси ўларок, Олий Мажлис палаталарининг ҳам қатор ҳужжатлари қабул қилинган таъкидлаш жоиз. Аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2020 йил 25 сентябрдаги Қўшма қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси

га тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, ушбу ҳужжат билан парламент дипломатиясини амалга ошириш чоралари ва механизмлари белгиланган. Шулар қаторида бошқа давлатларнинг парламентлари, халқаро парламент гуруҳлари ва халқаро парламент ташкилотлари, шу жумладан, ТуркПА билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш кўрсатилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг парламентлараро алоқалар ва халқаро ҳамкорлик соҳасидаги фаолиятини амалга оширишнинг стратегик мақсад ва вазифаларини, принципларини, механизмларини белгилайдиган қоидалар тизимидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг жорий йил 28 апрелдаги “Парламентлараро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори билан Ўзбекистоннинг

Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси билан 2021-2022 йилларга мўлжалланган амалий ҳамкорлик режаси тасдиқланган. Ушбу режада яқин истиқболда бажарилиши лозим бўлган 4 та муҳим вазифа акс этган.

Улар ТуркПАга аъзо бўлиш билан боғлиқ масалаларни низоҳасига етказиш, ТуркПАнинг тадбирларида иштирок этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан Олий Мажлисининг доимий фаолият кўрсатувчи делегациясини шакллантириш, ТуркПАнинг тадбирларида Олий Мажлис доимий делегациясининг иштирокини таъминлаш, Ўзбекистонда 2021 йилда бўлиб ўтадиган Президент сайловини кузатишда иштирок этиши учун ТуркПАнинг Котибиятига таклифнома юбориш каби вазифаларни ўз ичига олади.

ТуркПАга аъзо бўлиш бизга нима беради?

Биринчидан, мамлакатимиз парламент дипломатиясида янги йўналиш пайдо бўлади. Ўзбекистон Марказий

Осиё, қолаверса, бутун туркий дунёда фаолият кўрсатаётган навбатдаги нуфузли халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланади.

Иккинчидан, қонун ижодқорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини ташкил этиш, парламент назорати самарадорлигини ошириш ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳаларида нафақат икки тарафлама, балки кўп тарафлама форматда ҳам тажриба алмашиш имконияти яратилади.

Учинчидан, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида халқаро ҳамжамиятни баҳардор қилиш ҳамда халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг ташаббусларини илгари суриш учун янги платформага йўл очилади. Аҳамиятлиси, ушбу жараёнларда марказий роль миллий парламентимизга тегишли бўлади.

Тўртинчидан, ўзбек халқининг миллий ўзлиги, тили, олис ўтмиши, тарихий келиб чиқишига оид азалий аънавлари ва қадриятлари ҳамда қардош халқлар билан дўстона ришталари мустаҳкамланади.

Бешинчидан, минтақа ва туркий ҳамжамият олдида гавдаланаётган глобал муаммоларга биргаликда ечим излаш, қолаверса, Барқарор ривожлантириш мақсадларига эришишда ассамблеяга аъзо мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун қулай сиёсий майдон шаклланади.

ТуркПА туркий дунёнинг “ташриф қоғозига” айланиши учун барча имкониятлар мавжуд. Ушбу ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш учун изчил ислохотларни давом эттириш лозим. Бугунги кунда парламентларнинг “ақлий марказлари” роли ва ўрни кундан-кунга ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи орган фаолиятини илмий-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш соҳасида яқиндан тажриба алмашиш мақсадида туркий тилли давлатлар парламентлари “ақлий марказлари” иштирокида илмий-таҳлилий консорциумни тузиш таклиф этилади. Ушбу консорциум парламентлараро ҳамкорлигининг устувор йўналишлари бўйича биргаликдаги тадқиқотларни олиб бориши ташкил этувчи, парламентлар илмий-тадқиқот марказларининг салоҳиятини бирлаштирувчи тузилма бўлишига ишонамиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкинки, Ўзбекистоннинг ТуркПАга аъзо бўлиши ушбу нуфузли ташкилотга янги нафас беради. Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференцияда туркий халқларнинг таниқли ўғлини Чингиз Айтматов сўзлаган нутқини ёдга олиш даркор: **“Византия ўз вақтида славян халқлари тақдирини қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбеклар ҳам Марказий Осиё халқлари тақдирини шундай роль ўйнаган”**.

Албатта, туркий тилли мамлакатларнинг ўзаро мулоқот платформаларида Ўзбекистоннинг фаол иштироки қардош халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, минтақада хавфсизлик ва тинчликни таъминлашга ижобий таъсир ўтказди. Юртимизнинг ушбу қадами туркий дунё мамлакатларининг ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишига ишончимиз комил.

ҚАРОРГА ШАРҲ

ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ ОЧИЛДИ

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Ҳозир бакалавриятда 10 йўналишда (5-6 йиллик ўқиш даври), магистратурада 3 йўналишда, ординатурада 50 дан ортиқ ва аспирантурада 7 йўналишда 12 минг талаба ҳамда қўшимча профессионал таълим дастурлари бўйича 11,5 минг тинловчи таълим олаётган ушбу университет Times Higher Education, QS World University Rankings ва Россиянинг “RAEX” рейтингларида етакчи ўринларни эгаллаб турибди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ОТМ Россиянинг халқаро икки томонлама диплом дастурларига киритилган бўлиб, дипломи Европа мамлакатларида тан олинади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори билан университетда йилгилан бой илмий тажрибани мамлакатимиз таълим жараёнига жорий қилиш, икки давлатнинг илмий салоҳиятини бирлаштириш орқали халқаро талабалар даражасида мутахассислар тайёрлаш имконияти яратилади.

— Ўзбекистонда тиббиёт йўналиши бўйича чет эл олий ўқув юртининг илк филиали очилмоқда. Буни мамлакатимиз тиббий таълим тизимида муҳим воқеа, деб баҳолаган бўлардим, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори Ботир Даминов. — Бундан қўзланган мақсад соғлиқни сақлаш соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада тақомиллаштириш, халқаро таълим стандартларини жорий этиш, тиббий хизматлар ҳажми ва сифатини ошириш, тиббиёт амалиёти, таълими ва илмий тадқиқотлари ўртасидаги интеграцияни таъминлаш, даволаш-таъхсиллаш жараёнига илгор ютуқларни ва инновацияларни татбиқ этишдан иборат.

Аҳамиятлиси, мазкур университетнинг Тошкент филиалида таълим жараёнига илгор педагогик ва ахборот

технологиялар, фан-техниканинг энг янги ютуқлари жорий этилади. Илмий жараёнга хорижлик профессор-ўқитувчилар жалб қилинади.

Таълим жараёни икки босқичда олиб борилади. Қарорда белгиланганидек, 2021-2022 ўқув йилида “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан очик танлов асосида 35 нафар ҳамюртимиз 12 мутахассислик бўйича университет ординатурасига ўқишга юборилади.

Абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан келишилган ҳолда, университет томонидан белгиланган талабалар ва муддатларда ўтказилади. Йиллик қабул параметрлари эса тармоқ ва ҳудудлардаги тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, университет билан келишилган ҳолда, филиалнинг васийлик кенгаши қарори билан тасдиқланади.

Филиалда 15 та ординатура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади. Битирувчиларга Ўзбекистонда олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинган диплом берилади. Давлат гранти асосида тахсил олган битирувчилар мамлакатимиз давлат тиббиёт муассасаларида камида 5 йил ишлаш шарти билан ишга тақсимланади.

Қарорга кўра, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент давлат стоматология институти ҳудудда қайта ташкил этилаётган кўп тармоқли клиника филиалнинг асосий клиник базаси ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари яна биттага ортди. Демак, тиббиёт соҳасига қизиқувчи ёшлар учун танлов имконияти кенгайди, соҳада соғлом рақобат кучаяди ва пировард натижада малакали мутахассислар кўпайишига замин яратлади.

ДАВРА СУҲБАТИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ:

Ўзгараётган дунё замонавий ёндашувларни талаб қилмоқда

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан “Янги Ўзбекистон журналистикаси: замонавий ёндашувлар ва аъналар давомийлиги” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунли муносабати билан йўллаган табригидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида фикр алмашилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, босма ва интернет нашрлар, телерадиоканаллар раҳбарлари, журналистлар, блогерлар ва соҳага қизиққан ёш ижодкорлар иштирок этди.

Анжуманда журналистиканинг долзарб масалалари ва муаммолари, жумладан, “Янги Ўзбекистон журналистикаси: долзарб вазифалар ва замонавий ёндашувлар”, “Миллий журналистика: ривожланиш йўллари, муаммолар ечими”, “Миллий журналистиканинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш тамойиллари”, “Тележурналистика ва давр талаби” каби мавзуларда таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

— Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда, — деди Журналистлар

ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров. — Оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири, фаолият самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор вазифа бўлиб келмоқда. Аввало, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани кучайтириш мақсадида кейинги тўрт йилда 12 та қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, медиа соҳаси, ахборот хизматлари тизими тубдан янгиланиб бораётгани эътиборга моликдир. Соҳада юксак малакали кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўртасида ҳамкорлик

меморандуми имзоланди. Шунингдек, журналистика йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаётган Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Самарқанд давлат чет тиллари институти билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Журналистлар айни вақтда Интернет журналистикаси ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётгани, муаммоларни ҳал қилишда ижтимоий тармоқларда юзага келаётган англашилмовчиликлар ечими билан боғлиқ таклифларини ўртага ташлади.

— Бир қарашда жиддий муаммо йўқдай, мавжудларини ҳал қилса бўлади, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон Мелибоев. — Аммо ўзгараётган дунё, илм-фан ютуқлари, янги Ўзбекистон олдидаги янги вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ижодий изланишда давом этишимиз керак. Бугун тажрибали устоз ҳам, умидли шогирд ҳам малака-маҳоратини муттасил ошириб бориш, иш услубига янгиликлар киритиш, устоз-шогирд муносабатларида ҳалол ва адолатли бўлиши, дунёвий тажрибалардан унумли фойдаланиши керак.

Анжуманда шу кунгача эришилган ютуқлар билан бирга, соҳа вакиллари илгари кузатишларга турли синов ва қийинчиликларга дуч келаётгани ҳам қайд этилиб, уларни биргаликда бар-тароф этиш масалаларига эътибор қаратилди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ОЛДИДАН

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ:
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бошланиши 1-бетда

ТАРИХГА НАЗАР

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгандан сўнг минтақада турли интеграция лойиҳалари яратилган. Улар сирасига Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти, Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё иттифоқи ташкил этилишини киритиш мумкин. Бир қатор омиллар сабаб уларнинг фаолияти узоқ давом этмади. Аммо минтақавий ҳамкорликка тўқинлик қилувчи ушбу сабаблар вақтинчалик эди. Зеро, минтақа халқларининг тарихий илдизлари, маданияти, дин ва тил уйғунлиги, шунингдек, умуминсоний қадриятларга содиқлик пайдо бўлаётган муаммоларга биргаликда жавоб бериш, уларга самарали ечим топиш йўлларини излаш ва тараққиёт йўлида биргаликда интилиш учун замин яратмоқда.

Гарчи, бугунги кунда ҳар бир давлат ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ҳамда турли ташқи сиёсий ва иқтисодий устувор йўналишларни мустақил равишда танлаган бўлса-да, минтақа давлатларининг барчасини кўп асрлик савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт ва энергетика коммуникацияларининг ривожланаётган тармоғи, шунингдек, хавфсизликка таҳдид ва хатарларни бартараф этишга интилиш истаги бирлаштиради. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари ўртасида янада қулай ва самарали ҳамкорлик учун барча зарур шарт-шароит мавжуд.

МИНТАҚАВИЙ
ҲАМКОРЛИККА
КЎМАКЛАШУВЧИ АСОСИЙ
ОМИЛЛАР

Жаҳон савдо йўллари чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё қадимдан маданиятлар ва цивилизацияларнинг ўзаро таъсири жараёнида муҳим ўринга эга бўлган. Буюк ипак йўли (милoddан аввалги II аср — милodий XV аср) халқро транспорт алоқа йўли сифатида нафақат Осиё ва Европа савдо йўналишлари, балки қитъалар ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ахборот-цивилизация мулоқотини ҳам таъминлаган, янги технологиялар ва янгиликлар тарқалишида ўзига хос чорраҳа вазифасини ўтаб, қишлоқ хўжалиги экинлари, агротех-

нологиялар, цивилизациялараро ва технологик алмашинув, шунингдек, маданий қадриятлар учун ҳам қулай шароитларни юзга келтирган. Транспорт-инфраструктурaviй коммуникацияларни такомиллаштириш ва Марказий Осиёга халқро транзит юк ташувчиларни жалб этиш минтақа давлатларини бирлаштирувчи энг муҳим вазифалардан биридир. Уни ҳал этиш минтақадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш зарурати билан белгиланади.

Марказий Осиё давлатларини замонавий хатар ва таҳдидларга қарши туриш зарурлиги ва буни фақат минтақада жойлашган барча давлатларнинг фаол иштироки ёрдамида амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги умумий тушунча бирлаштириб туради. Буларнинг барчаси минтақавий ўзаро ҳамкорликини мустаҳкамлаш ва Марказий Осиёни “ҳамкорлик ва тараққиёт минтақаси”га айлантириш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

ЯНГИ СИЁСАТ — ЯНГИ
УМИДЛАР

Президентимиз ташаббуси билан юритилаётган ташқи сиёсатнинг муҳим йўналиши минтақавий мамлакатларининг ана шундай салоҳиятини рўёбга чиқаришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу мақсад йўлида олиб борилаётган изчил сиёсат туфайли Ўзбекистон халқро муносабатлар тизимида одатий иштирокчидан фаол, ташаббускор давлатга айланди. Буни минтақавий ва нуфузли халқро ташкилотлар доирасида илгари сурилаётган таклиф-ташаббуслар ва уларнинг халқро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётгани мисолида кўриш мумкин.

Бу борада эришилаётган ютуқларга тўхталсак. Марказий Осиёда, энг аввало, сиёсий мулоқот, ўзаро ишонч муҳити юксак даражага кўтарилди. Бунинг аниқ натижаси сифатида Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувлари ташкил этилгани бўлди. Мазкур учрашув доимий мулоқот майдонига асос солди, минтақада хавфсизлик, барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Сиёсий алоқаларнинг фаоллашуви иқтисодий муносабатлар ривожланишига ҳам туртки бўлди. Қўшни мамлакатлар билан савдо-

сотикнинг ривожланиши минтақанинг инвестицион жозибадорлиги ошишига замин яратмоқда. 2020 йил якунига кўра, минтақага киритилган жами хорижий сармоялар қиймати 37 миллиард долларни



ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 40 фоизга ошди. Бу рақамлар қисқа муддатда қанчалик ўсишга эришилганини яққол ифода этади.

Маданий гуманитар алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Биргина туризм соҳасини олайлик. Бугунги кунда бу йўналишда илгари деярли фойдаланилмаган имкониятлар очилляпти. 2017 йилда минтақанинг беш давлатига 9,5 миллион сайёҳ ташриф буюрган бўлса, пандемия даврига қадар бу кўрсаткич икки баробар ошган.

Минтақадаги бундай ўзгаришлар трансминтақавий ҳамкорликини ривожлантиришга ҳам қулай шароит яратмоқда. Яъни Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан алоқалари ҳам янги босқичга кўтарилмоқда.

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ
ОСИЁ — ЯҒОНА МАКОН,
ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Айтиш керакки, мамлакатимиз ташқи сиёсатида Жанубий Осиё ҳаммша устувор йўналиш бўлиб келмоқда. Аммо яқин-яқингача биз Жанубий Осиёга нисбатан асосан Афғонистон омили орқали, яъни

хавфсизлик нуқтаи назаридан ёндашиб келганмиз. Бунинг натижасида икки томонлама муносабатлар етарли даражада йўлга қўйилмади, мавжуд имкониятлардан фойдаланилмади. Буни рақамлар билан ифодалайди-

ган бўлсак, 2017 йил Ўзбекистоннинг Жанубий Осиёнинг етакчи давлатлари — Покистон билан савдо айланмасига атиги 36,5 миллион долларни, Ҳиндистон билан 323 миллион долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2020 йил 123 миллион доллар ва 442 миллион долларга етди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сўнгги йилларда халқро муносабатлар соҳасида мазкур давлатлар билан ҳам муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда Жанубий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик кучайди.

Айтиш керакки, Жанубий Осиё биз учун йирик бозор, аҳоли нуфуси 2 миллиарддан ортиқ. Ялпи ички маҳсулоти 3,4 триллион доллар. Жанубий Осиё мамлакатларининг ўртача йиллик ўсиши 6-7 фоиз. Бу шуни ифодалайдики, ёнгинамизда шундай катта иқтисодий макон бор. Ундан унумли фойдаланиш икки томонга ҳам катта манфаат етказиши. Бунинг тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақаси мамлакатлари азалдан ягона макон сифатида уйғун ривожланиб келган, барча

соҳаларда яқин ҳамкорлик қилган. Буюк мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарлари ва бошқа тарихий манбалар бу яқин ришталарнинг яққол далилидир. Бугунги саъй-ҳаракатларимизнинг асосий мақсади ана шу тарихий алоқаларни тиклаш, халқларимиз ўртасида дўстлик, қардошлиқ ришталарини янада мустаҳкамлаш, пировардида мамлакатларимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришдир. Шу мақсадда Ўзбекистон сўнгги йилларда Жанубий Осиё мамлакатлари билан алоқаларни тобора ривожлантирмоқда.

вақт 35 кундан 3-5 кунгача қисқаради. Шу билан бирга, экспорт салоҳияти ҳам кескин ошади.

Ўз навбатида, хавфсизлик масалаларини ҳам инкор этиб бўлмайди. Хусусан, Афғонистондаги нотинчлик, террористик гуруҳларнинг фаолияти бу борадаги эзгу мақсадларимизга тўғаноқ бўлиши табиий. Шу боис, Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатишдан доимо манфаатдор ва бу юртда тинчликни мустаҳкамлаш, турли тармоқларни ривожлантиришга ҳисса қўшишга интилиб келяпти.

ЎЗАРО БОГЛИКЛИК
КОНЦЕПЦИЯСИ
ЯРАТИЛМОҚДА

Икки минтақанинг ўзаро боглиқлигини таъминлаш учун сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасида икки томонлама муносабатлар ва бир қатор халқро ташкилотлар доирасида кўп томонлама фаол ташқи сиёсат олиб борилмоқда. Юқори даражадаги учрашувлар ташкил этиляпти. Бундан ташқари, трансминтақавий лойиҳалар ҳам ривожланмоқда. Уларни амалга ошириш жараёнида эришилаётган натижалар баробарида ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Бунга давлатларнинг ёндашувларидаги тафовутлар сабаб бўляпти. Унинг ечими эса, минтақаларни бирлаштиришнинг асосини ташкил этувчи муҳим йўналишлар бўйича ягона ёндашувга эга бўлишда. Шу маънода, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган икки минтақа ўртасидаги муносабатларни фаоллаштиришга қаратилган ишлар келгусида Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақаларининг ўзаро боглиқлик концепциясига асос солишга замин яратмоқда, десак муболага бўлмайди.

Энди 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боглиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” номли халқро конференция хусусида тўхталиб ўтсак. Президентимиз ташаббуси асосида ташкил этилаётган тадбирда дунёнинг қатор мамлакатларидан етук давлат ва сиёсат арбоблари, етакчи олимлар ва экспертлар, нуфузли халқро ташкилотлар вакиллари иштирок этиши кўзда тутилган.

Тадбир дастуридан минтақаларимиз ўртасида транспорт-транзит ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, хавфсизликини таъминлаш билан боглиқ муҳим масалалар ўрин олган. Ушбу нуфузли халқро анжуман минтақаларимиз ўртасида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш, тинчлик ва тараққиёт йўлидан дадил одимлашмишда ўз самараларини беради.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

САНОАТНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚОН ТОМИРИ

Феруза МАҲМУДОВА,
журналист

Иқтисодийёт ва замонавий технологияларга доир жозибадор иборалар кўп қўлланади: стартап, инновация, блокчейн, бренд... Уларнинг олдида маҳаллийлаштириш деган сўз жуда одми ва оддий туюлади. Лекин унинг моҳияти ва аҳамияти шунчалик каттаки, бутун мамлакат ишлаб чиқариши таркибий тараққиётини маҳаллийлаштириш тасаввур этиб бўлмайди.

Бу тизимни кенгайтириш орқали давлат аҳоли бандлигини янада кўпроқ таъминласа, бюджетга қўшимча тушумлар тушади ва инсон капиталини ривожлантиради. Одамларга иш ўринлари яратиши баробарида маҳсулотнинг бозор баҳоси арзонлашади. Бир сўз билан айтганда, мавжуд хомашё ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш ва қўламини кескин кенгайтириш саноат сиёсатининг негизи, ҳаётбахш қон томири ҳисобланади.

Айни кунда мамлакатимиздаги мингдан ортиқ корхона юз фоиз маҳсулотини “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси остида тайёрляпти. Тўғри, ривожланиш катта, лекин бу ҳали етарли эмас. Масалан, сўнгги уч йилда юртимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар ошган. Лекин маҳсулотлар ҳажми ва турлари ҳали ички эҳтиёжни тўлиқ қоплаётгани йўқ. Умуман, ўтган йили қарийб 1 миллиард долларлик қурилиш материаллари импорт қилинган.

Президентимиз жорий йил 30 апрель кунги ҳудудларда маҳаллий саноатни ривожланти-

риш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритар экан, бу борадаги ишларни “ички талабни ўраниш — импортни таҳлил қилиш — ресурс базасини аниқлаш — янги лойиҳалар ишлаб чиқиш” занжирини асосида ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Юз фоиз тармоқлараро кооперация ва маҳаллийлаштириш. Бу Сирдарё вилоятида жойлашган “Зиннур” ишлаб чиқариш бирлашмаси эришган кўрсаткич. У ўз фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида юртимизнинг бир қатор ҳудудларидан хомашё ва бутловчи қисмлар келтирди. Масалан, спорт пойабзалини ишлаб чиқариш учун компания Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Наманган, Сирдарё вилоятларидан корхоналар билан хомашё бўйича шартнома-лар тузган. Қурилиш материаллари Фарғона, Навоий, Хоразм, Андижондан келтирилади. Энг муҳими, мазкур саноат кооперацияси занжирини



туфайли таннарх ва маҳсулотлар баҳоси анча пасайишига эришилди.

— Бундан уч йил олдин пойабзалларимиз учун хомашё ва бутловчи қисмларни, асосан, Хитойдан келтирар эдик, — дейди бирлашма раҳбари Носиржон Эгамбердиев. — 2019-2020 йилларда кооперация алоқалари ўрнатиш ҳисобига уларни ўзимизнинг ҳудудлардан ола бошладик. Бунинг натижасида маҳсулотларимиз нархи камида икки-уч баробар арзонлашди. Чунки оёқ кийимининг таг қисмини Навоийдаги корхонадан гранула олиб келиб, ўзимизда қайта ишлаш орқали тайёрляпмиз. Устини эса Самарқанддан келтирилган ип-калага материалларидан ишчиларимиз тўқийди.

Маҳсулот сифати қандай, деган савол туғилиши мумкин. Ўзимизнинг хомашёдан тайёрланган маҳсулот хорижикидан пишиқ-пукталиги жиҳатидан устун бўлса устунки, ҳеч қолишмайди. Харидорлар билан суҳбатларда улар буни алоҳида эътироф этишди.

Бугунги кунда мазкур бирлашмада 30 дан ортиқ турдаги чарм-пойабзал, 15 хилдаги мебель маҳсулотлари ва 20 хилдаги қурилиш материаллари тайёрланмоқда. 360 киши иш билан таъминланган, уларнинг 250 нафари хотин-қиз. “Аёллар дафтари”дан ўрин олган, оилада ёш фарзанди бўлганлар учун касаначилик билан шуғулланишларига шароит яратиб берилляпти. Корхона уларни тикув машиналари ва хомашё билан таъминляпти, чеварлар тайёрлаган маҳсулотларни эса шартнома асосида сотиб берапти.

Эндликда маҳаллийлаштириш даражасини оширишда кооперацияга кластер тизими тобора эш бўлиб борапти. Соҳада мазкур усул молни сўйиб, терисини ажратишдан то уни чармга айлантириб, тайёр маҳсулот — пойабзал ва чарм-атторлик буюмлари ишлаб чиқаришга бўлган бутун бир жараёни ўз ичига олади. Айни пайтда чарм-пойабзал кластерларини ташкил этиш бўйича бир неча йирик лойиҳа рўёбга чиқарилиш босқичида турибди.



“Orient Technology” МЧЖ қиймати 10 миллион долларлик лойиҳа Қорақалпоғистонда италиялик мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Технологик линия Италияники. У мавжуд қувватларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, янгиларини яратиш дастури доирасида мамлакатимизга келтирилди. Кластер тўлиқ ишга туширилгач, йилига 500 минг жуфт пойабзал тайёрлаш имконияти пайдо бўлади ва унинг 70 фоизи ташқи бозорга чиқарилади.

“Premium leather” МЧЖ. Фарғона вилоятидаги мазкур лойиҳа беш босқичда амалга оширилади. Корхонанинг йиллик қуввати 80 миллион квадрат дм. тайёр чарм ва 400 минг жуфт турли пойабзал ишлаб чиқаришга тенг

бўлади. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Чарм-пойабзал тармоғида маҳаллийлаштириш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Айни кунда бу йўналишда 64 та корхона фаолият кўрсатяпти. 2016 йилда соҳада атиги 2,8 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилган бўлса, жорий йилда бу қиймат 44 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Айни кунда сунъий чарм ва полиуретан ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоизга, пойабзал таглиги тайёрлашда — 65, спорт товарлари бўйича — 95, спорт сумкалари ва жомадонлари бўйича 60 фоизга етказилди. Улардан тайёрланган маҳсулотлар наинки ички, балки ташқи бозорда ҳам юқори сифати ва арзонлиги билан харидорларни жалб этапти.

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

МАРҲАМАТ ТУМАНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИННОВАЦИОН ЯНГИЛИКЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ?

Бошланиши 1-бетда

Ушбу ҳудудда бажарилган янги ечимлардан яна бири сугориш тизимидаги инновацион изланишлардир. Кўргазма майдонида фақат оқим кучидан фойдаланиб, сувни харажасиз юқорига кўтарувчи гидротаранларнинг турли модификациялари ўрнатилмоқда. Бундан ташқари, шаршарасиз оқим суви энергиясидан фойдаланиб, сувни юқорига кўтариш қурилмасини яратиш ва ишга тушириш режалаштирилган. Бу унчалик катта бўлмаган ер майдонларини ортқича сарф-харажасиз сугориш имконини беради.

Андижон тажриба-кўргазма майдони трансфер ва интеграция қилиш жараёнида замонавий халқаро технологияларни тажриба-синовдан ўтказишга хизмат қилади. Вилоят ва республика миқёсида фермерлар, томоҳра эгалари ушбу тажриба майдонида намоиш этилган янги технология-



ларни ўз майдонларида жорий этиш кўникмасини ўзлаштириш, юртимиз учун янги ҳисобланадиган ўсимлик турлари намуналаридан фойдаланган ҳолда уларни ўз ўчаксталарида кўпайтириш ва сифатли маҳсулот олиш имкониятига эга бўлади. Кўп ҳолларда кўз билан кўрмагунча инновациялар кўдратига ишониш қийин. Бежиз “Эшитганингга эмас, кўрганингга ишон”, дейишмайди. Инновацион ривожланиш вазирлигининг Андижон тажрибаси сифатида бажарилаётган амалий ишлари бевосита ёшларнинг янгича билим олишига шариоит яратиш, уларда муҳандислик кўникмасини ҳозирдан шакллантириш, дунё илм-фанидаги янгиликларни ўз она тилимизда мунтазам олишларини таъминлаш каби ёндашувлардан иборат.

Андижон тажриба-кўргазма майдони вилоят олий таълим муассасаларини қамраб олган

ҳолда, Марҳамат тумани инновацион ҳудудга айлантиришда асосий драйвер бўлиб хизмат қилиши учун барпо этилган. Бундай инновацион драйверлар юртимизнинг барча ҳудудда ташкил этилиши мақсад қилинган ва уларда синовдан ўтган самарали лойиҳалар бошқалар учун намуна бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилган.

Бошқача айтганда, юртимизда биринчи марта ҳудудни ривожлантиришнинг драйвери сифатида иккита катта платформа ишга туширилди. Булар — Марҳамат инновацион тажриба-кўргазма полигони ва тўла қуриб битказилиб, жиҳозланган Ёшлар технопарки.

Полигон дейилганда, кўпчилик қишлоқ ҳўжалигига йўналтирилган янги инновацион ишланмаларни тушунади. Аслида эса бу, аввало, Андижонда, қолаверса, мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, камбағаллиқни қисқартириш ва тадбиркорлиқни ривожлантиришда намуна бўлиб хизмат қиладиган инновацион комплекс марказ. Содда қилиб айтганда, мамлакатдаги барча инновацияларни намоиш қилиш ва сотиш майдонидир. Мисол учун, Марҳаматда биринчи марта техношоп ташкил қилинмоқда. Айтайлик, янги нав пайдо бўлса, у ерга етказилади ва экилиб, намоиш этилади. Олимларнинг янги ишланмалари намоиши қаторида гоёлар ва ишланмалар дўконини ҳам очилиб, нарх-навосигача ёзиб қўйилади. Хоҳлаган одам Марҳаматга кираверишда тўхтаб, қанақа янги инновациялар борлигига қизиқаётган бўлса, ўша жойда дарров тушунтириб берилади. Шартнома тузилиб, сотув ҳам йўлга қўйилади. Яъни бундан полигон ҳам манфаат қўради.

Иккинчи жуда муҳим жиҳат бу — аҳолининг қизиқиши. Андижонда инновацияларга рағбат юқори эканига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Марҳаматда жорий қилинган тизим шундан иборатки, мисол учун, кишилар “Нима экин бор?” деб сўраб келса, юқори самарадорликка эга кўчат турларини кўрсатамиз ва: “Агар экадиган бўлсангиз, кўчатини берамиз ва ҳосилини сиздан ўзимиз сотиб оламиз”. Чунки уни қайта ишлайдиган цехлар ҳам қўрапмиз”, деймиз. Ёки силос тайёрлаш технологиясини кўрсата оламиз. Бу технологияга кўра, кишилар хомашёни ерга кўммасдан, ўз эҳтиёжига яраша силос тайёрлаб олиши мумкин.

Паррандачилик бўйича ҳинд юғурдак ўрдагини тавсия қиламиз. Юқори рентабелли бу тур уч ойда туҳумга киради ва ҳар кўни маҳсулот беради. Унинг туҳуми қиммат ва шифобахш бўлгани учун сотиб оладиган тадбиркорлар етарлича. Яна бир парранда тури — чех доминант товуқлари бройлердан яхшироқ ҳисобланади. Чунки касал бўлмади, туҳумдан тўхтагач, вазни тез ошади, туҳум бериш пайтида ҳам, тўхтаганида ҳам гўштини бемалол истеъмол қилса бўлади. Бошқа тур товуқларнинг эса туҳум пайтида гўштини истеъмол қилиб бўлмайди.

Қурилиш соҳасига келсак, пенобетон чиқарадиган ускунаимизни кўрсата оламиз. Уни маҳаллага ўрнатиб қўйсак, айтайлик, маълум бир хонадон пенобетон ишлаб чиқараверади. Бу маҳсулотнинг хариदори кўп. Чунки ҳозир юртимизнинг барча ҳу-



дудиди жуда катта қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Шу сабабли унга талаб юқори.

Инновацион қовун етиштириш иссиқхонаси ҳам шундай янгиликлардан бири. Ҳосил етиштириш жараёнини агроном-мутахассис назорат қилиб туради. Экинни ўзлари экиб, ўзлари сотиб олади, қайта ишлаб экспорт қилади. Нархи — бир килоси 6–10 АҚШ доллари атрофида. Ёки қулупнай иссиқхонасини олайлик. Бу иссиқхонанинг нархи 1,5 миллион АҚШ доллари атрофида бўлиб, сафсар қулупнайлар экилади. Тайёр ҳосилнинг килограмми 25 доллар атрофида баҳоланади. Тадбиркорларни марказга мунтазам таклиф қилиб турамиз. Уларга барча инновацияларимизни кўрсатамиз, тушунтирамиз. Агар шартнома тузишса, ўзимиз қуриб берамиз. Қайси тадбиркор бу технологияга қизиқса, марказ унга иссиқхона қуриб беради, ишлашни ва парваришлашни ўргатади, керакли қўчатларни беради, маҳсулотини айтилган нархда сотиб ҳам олади.

Тупроққа ишлов бериш соҳасига келсак, янги қопламали плугларни мисол келтиришимиз мумкин. Олимларимиз яратган махсус полимер қопламали плуглар оддийларига қараганда 3–4 баравар кўп хизмат қилади. Шу билан бирга, Марҳаматга бўғдой, бодиринг, узум ва тутнинг янги навларини ҳам олиб келдик.

Яна бир жуда муҳим йўналиши — ёшлар билан боғлиқ. Андижонда бунёд этилган Ёшлар технопарки эшиқлари барча учун очик. Ушбу технопарк инновацион фаолиятга жалб этган ҳолда, 400 нафар ёшнинг робототехника, муқобил энергия манбалари ҳамда 3D прототиплаш бўйича билим ва кўникмасини оширишга хизмат қилади. Президентимиз ҳар бир мактаб битирувчиси ўқишдан бўш вақтида ҳунар ўрганиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Ўқувчиларни мактаб давридаёқ му-

айан кўникмаларга ўргатиш Андижон тажрибаси бўлиши ва уни кейин бутун республикага жорий этиш бўйича топшириқ бери. Ёшлар технопаркида зарур билимларни ўзлаштирган ёшлар Андижондаги машинасозлик, саноат корхоналарида тажриба орттиради, ўз кўникмаларини амалда қўллайди.

Вазирлик университети иқтидорли ёшлар жамоасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 3D принтер билан таъминлашни ҳам кўзда тутган эди. Ҳажмли намуналардан нуса олувчи ускуналар пайдо бўлганига 30 йилдан ошди, аммо унга узоқ вақт давомида қимматбаҳо ускуна сифатида қаралар ва шу сабабли қўлланмиш доираси чегараланган эди. Бироқ кейинги йилларда бу ускунага эътибор ошмоқда. Аксарият ривожланган давлатларда 3D принтер технологияларини ривожлантиришга қаратилган марказлар ташкил этилиб, мураккаб технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар қисқаришига эришилмоқда. Яқин келажақда айнан шу соҳа бўйича етук мутахассисларга талаб ошиши ҳам айна ҳақиқат. Биз ҳозирдан 3D моделлаштириш асосларини ўргатишга қаратилган ўқув режалар туздик. Қолаверса, олимлар, ҳусусан, ёш тадқиқотчиларнинг билимини ошириш, жаҳон илм-фани билан интеграциясини таъминлашнинг самарали йўлларида бири истиқболли мутахассисларнинг малакасини оширишни таъминлашдир. Хорижий илмий марказлар ва тадқиқот институтларида тажриба орттириш таълим ва амалиётнинг бир нуқтада кесишувига олиб келади. Илмий гоёлар, тадқиқот ва технологик тажриба алмашишуви илмий-техник тараққиётнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади.

Андижон тажрибаси орқали қўлга киритилган ютуқ ва орттирилган тажрибани юртимизнинг

бошқа ҳудудларига ҳам ўзига хослигидан келиб чиқиб, босқичма-босқич жорий этиш долзарб вазифаларидан бўлади. Зеро, туман ва қишлоқлар аҳолиси учун манфаатли лойиҳаларнинг йўлга қўйилиши узоқ жойлардаги иқтидор эгаларини аниқлаб, уларнинг салоҳиятини намоён этишга хизмат қилади. Қишлоқ ва туманларда яшовчи аҳоли фаровонлигини ошириш, қишлоқ ёшларининг таълим олиши ва турли замонавий кўникмаларга эга бўлиши учун шарт-шароит яратиш иқтисодийетимизнинг малакали кадрларга эҳтиёжини қаноатлантиради, истиқболда камбағаллиқни қамайтиришга хизмат қилади.

Кўрииб турганидек, ҳамма гап янгича фикрлайдиган, замонавий тушунчаларга эга ва иқтисодийетимнинг замонга мос инновацияларини англаб етган янги авлод тадбиркорларини шакллантириш устида бормоқда. Инновацион ривожланиш вазирлиги бу борада тадбиркорларга ўрнат қўлиши учун намуна технологияларни намоиш қилиш ва қўмақлашдан кўзда тутган асосий мақсад ана шу янги тушунчаларни шакллантиришдир. Президентимиз таъкидлаганидек, Андижон халқи янгиликларга интиладиган мард ва танти кишилар. Марҳамат инновацион полигониди таклиф қилинаётган



“бюртмачи-тадбиркор-бюртмачи” тизими келажақда тадбиркорнинг қўлга ўтади ва унинг ўзи бюртмачига айланади. Бу эса мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегиясида назарда тутилган “нолдан бири яратиш” тизимининг моҳиятини кўрсатиб беради. Мазкур ташаббус кенг қулоч ёйгач, халқ орасида оммалашиши билан бир қаторда “бирдан мингдан яратиш” тизими ўз-ўзидан ишга тушади. Туман янгилувчи инновациялардан кўзда тутилган мақсад ҳам ана шундан иборат.

ЗАМОНДОШ

АЁЛ ТАДБИРКОР БЎЛСА... нафақат оиласи, жамият ривожини учун ҳам қайғуриб яшайди

Асолат АХМАДҚУЛОВА,
журналист

Бошланиши 1-бетда

— Туман бўйича камбағаллиқни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, ишсиз, ҳунарсиз аёлларни касб-ҳунарга ўқитиш, иш билан таъминлаш мақсадида тузилган “Аёллар дафтари”га 2 225 нафар хотин-қиз киритилган, — дейди Мирзаобод тумани оил ва маҳаллани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Гўлжаҳон Холмуродова. — Уларнинг 758 нафари оғир илтимози бўлиб қўлга олинган аёллар ҳисобланади. Халқ банкининг туман бўлими “Аёллар дафтари”га кирган аёллар масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулфия Ҳикматова билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб, аёллар билан суҳбатлар ўтказяптиз. Уларнинг қизиқишлари, қаҳқатларини ҳисобига олиб, банклардан кредит олиш тартиби билан таништиряпмиз. Иссиқхона қуриш истагидаги ёки қорвачилик, паррандачилик билан шуғулланмоқчи бўлган аёлларга амалий ёрдам берапмиз. Банкдан кредит олганлар пулни мақсадли сарфлаши, ишни тўғри ташкил этиши учун йўл-йўриқ бериш, молиявий масалаларда илк тушунча ҳосил қилишлари учун бир ҳафталик ўқишлар ташкил қилганмиз. 48 соатдан иборат ўқув машғулотларини тугатган аёлларга сертификатлар берилади. Ўқув курсини туманимизда ташкил этилган аёлларни касб-ҳунарга ўқитиш марказида олиб борапмиз. Уни ташкил қилган аёл ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Туманимизнинг энг илғор фермер ҳўжалиқларидан бири ҳисобланган “Жайхунбек агробизнес” раҳбари Насиба Тайлоқованинг саяё-ҳаракатлари тўғрисида бир қанча аёллар ҳам ҳунарни, ҳам ишга бўлмоқда. Бу тадбиркор аёлни Тўмарис хоним деб атаймиз. Унинг фаолияти билан танишганимизда ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз.

Халқ қаҳрамонларининг ёрқин намунаси бўлган, ватанпарвар, жасур аёл Тўмарис ҳақидаги репортаж

ларни ўқиб улғайган авлодмиз. Шижоатли, ҳар соҳада илғор, қадамидан ўт қаңқайдиган аёлларни кўрсам, Тўмарис авлоди эканлигимизга ишонгим келаверади. Насиба Тайлоқова билан яқиндан танишганим сайин юқоридиғи фикр бот-бот ҳаёлимга келди. Таассуротларимни сизга ҳам илгиним келди.

Дастлаб...

Мамлакатимизда олиб борилаётган янгиликлар, ўзгаришларни кўриб, уларга ўз хиссасини қўиш истагида ёнган илғор фермер Насиба Тайлоқова ишни қийналган, қўлида бирор ҳунари йўқ хотин-қизларни касбга ўргатишдан бошлашни ният қилди. Президентимизнинг доимо аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама қўмақ беришга қаратилган ташаббуслари бугун улар қалбиди ишонч, шижоат ҳамда миннатдорлик туйғуларини уйғотмоқда. Ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аёллар бизнес лойиҳалари рўйхатини шакллантиради, молиялаштириш, имтиёзли кредит ва грантлар ажра-

тиш бўйича амалий чоралар қўришмоқда.

— Аёлларнинг қийналиб, нимагадир зориқиб яшабини, бировларнинг олдига бориб, жавдираб ёрдам сўраб туришини истамайман. Тўғри, ҳаётда ҳар хил ҳолат бўлади. Қўлида ҳунари, ишлай деса иши бўлмаслиги мумкин. Турмуш ўртоғи ёки фарзанди касал бўлиб, давога муҳтождир... Лекин нима бўлганда ҳам тан-жони соғ одам ўз эҳтиёжини ўзи қондириши, бировга муте бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайман, — дейди тадбиркор аёл сўзининг авваллари. — Режаларим бисёр. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан эълон қилинган грант танловиди ўз лойиҳам билан қантандим. Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўиш ва ишчи ўринлари яратиш мақсадида тикувчилик цехи, хотин-қизларни ҳунарга ўргатиш учун ўқув маркази ташкил этиш режаси ташкилотчилар томонидан маъқулланди ва 200 миллион сўмлик грант ажратилди. Унга тикув машиналарни, дазвол столлари, пресслаш ускунаси, хуллас, тикув цехи учун зарур бўладиган асбоб-



ускуналар сотиб олишга қарор қилинди. Туманда бўш турган коллеж биносини ижарага олдим. Атрофимга, ишлайман, деган фидойи инсонларни тўпладим, ўзим бош бўлиб, таъмирлаш ишларини бошлаб юбордик. Хоналарни ҳам дарс машғулотлари ўтказиладиган, ҳам ишлаб чиқаришга мослаб таъмирлар эканман, эстетик жиҳатига ҳам алоҳида эътибор қаратдим. Ахир бу ерда аёллар касб-ҳунар сирларини ўрганиш билан биргаликда дидларини ҳам ўстириб боришлари керак.

Аёлга ҳам қирқ ҳунар оз

2002 йили тумандаги мавжуд захирадаги ерлардан “Насиба Ғанишер қизи” фермер ҳўжалигини ташкил қилиб, 26 гектар ерга бўғдой, пахта эқдим. Туманда бўладиган йилмишлардан бирида ўша вақтдаги туман раҳбари менга ишонсизлик билан: “Ҳамшираларимиз ҳам фермерликни орзу қилибди-да. Дала ишларини машаққатини кўргач, биринчилардан бўлиб ишни ташлаб кетсангиз керак?!” дегани ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўрнимдан турдим: “Мавсум охирида кўрасиз, ғалла ва пахта режасини ҳаммадан олдин бажараман”, дедим дадил. Сўзимни устидан чиқиш учун бор имкониятими ишга солиб, кечани кеча, кундузни кундуз, демай ҳаракат қилдим. Меҳнатларим зое кетмади, айтганимдай, режани биринчилардан бўлиб, ортиғи билан бажардим. Ўзим ёруғ бўлди, аммо... ўша йили турмуш ўртоғим қутилмаганди иш вақтида инфаркт тўғрисида ҳаётдан кўз юмди...

Энди менинг суянчигим, маслаҳатчим йўқ эди. Фермерлик, бу ёқда ҳамширалик, яна бешта ёш боланинг тарбияси. Ҳаётда қийналган аёлларни кўрсам, нега ёрдамга шошилишимни энди тушунгандирсиз? Бошимдан ўтган. Ёрдам берадиган одам туғул, дардимни эшитадиган кимса топиш ҳам роса қийин бўлган. Эшиклар ўз-ўзидан ёпилиб қолаверар, арзимаган нарсалар ҳам қийинчилик билан эришардим. Лекин ўзимни тез қўлга олишга ҳаракат қилдим. Қўзимга мўлтираб турган бешта нарсасида тўдақларим учун ҳам оёққа ту-

ришим, уларнинг бекаму-кўст яшаши учун ҳам қурашим кераклигини тушуниб етдим. Ҳамма нарсанинг вақт деган ўз давоси бор. Чорасиздек кўринган ҳар қандай дард ҳам вақт ўтиши билан ўз давосини топиб кетар экан. Турмуш ўртоғим вазфот этган пайт кўнглимга ҳеч нарсаси сиймай, шошилиб фермерликни топшириб хато қилганимни тушуниб етдим.

Менга тинчлик бермаётган ғайрат-шижоатимнинг амрига бўйсуниб, тумандаги захира ерлардан олиб, янгидан фермер ҳўжалиги ташкил қилишни дилимга тугиб, ҳаракатни бошладим. Мақсадимга эришдим. Энди қийинчиликлардан чўчимасдим, сабаби бу вақтга келиб фарзандларим воёга етиб, қўлим узайиб қолган эди. Ўғлим яқин қўмақчим, иш юритувчим бўлган бўлса, уй-рўзғор ишларини қизларим тўлиқ қўлга олган эди. Камҳосил, ташландиқ ерда ташкил қилган фермер ҳўжалигим тинимсиз меҳнатларим эвазига илғор ҳўжалиқлар сафидан ўрин олди. Ер ҳайдашдан тортиб, култивация қилишга ҳам бажараман, меҳр билан қайта-қайта ишлов бераман. Шуни яхши биламанки, ерга меҳр берсангиз у ҳеч қачон қуруқ қўймайди. Ишчиларимни қуруқ қўймайман, маҳаллада қийналган оилалар ҳолидан хабар оламан.

Яратганга шукр, тумандаги илғор фермер ҳўжалиқлардан бириман. Инсон астойдил ҳаракат қилса, қўзлаган ниятига етишига ҳаётим давомида қайта-қайта гувоҳ бўляпман. Яна бир ниятим бор — аёллар ишли, ҳунарни бўлса-ю, ишлагани чегга чиқиб кетмаса, оиласи, фарзандлари бағрида бўлса. Чунки оилада онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Ўқув маркази очилишига ҳам, қийналган аёллар учун қайғуришимга асосий сабаблардан бири шу аслида. Агар аёл кишининг қўлида ҳунари бўлса, оиласида етишмовчилик бўлмаса, у ҳеч қачон фарзандларини ташлаб чет элга ишлагани кетмайди. Болаларининг тарбияси билан шуғулланади, ўзи сарсон-саргардон бўлмайди.

Насиба Тайлоқова билан хайрлашар эканман бу аёлнинг фаолиятини тўлиқ ёритиб бера олишимга ўзим ҳам ишонмадим. Сабаби, унинг қилган ва қилаётган ишларини биргина мақолага сифдириш жуда қийин. Лекин унингдек ташаббускор, жонқуяр, тадбиркор аёллар жамиятимизда кўпайишини, ўзгалар мушкуллини осон қилиш йўлида тинимсиз изланишда давом этишини жуда хоҳладим. Сўзим аввалида аёл тадбиркор бўлса нима бўлишини исботламоқчи эдим. Энди шу фикрим ўз тасдиғини топди: аёл тадбиркор бўлса, жамиятимиз янада гуллаб-яшайди!

МАЪРИФАТ

Дунёвийлик — динсизлик эмас



Иброҳим УСМОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори

Бугунги кунда турли мутаассиб кучлар томонидан динийлик ва дунёвийлик нисбати бузиб талқин қилиниб, давлатга оид дунёвий ишлардан динни ажратиш ахлоқсиз жамият қуришга олиб келиши ҳақидаги ноҳолис даъволар тобора кўпроқ янграмоқда.

Мусулмонларнинг дунёвий давлатда яшаши илмий исбот талаб қилмайди. Нафақат Ғарбий Европа, Америка ёки Австралиядagi аҳолининг озчилигини ташкил қилувчи мусулмонлар, аҳолисининг мутлақ кўпчилиги мусулмонлардан иборат Туркия, Ўзбекистон тажрибаси ҳам шундан далолат беради. Виждон эркинлиги халқаро миқёсда барча демократик тизимларда кафолатланган ва инсон ҳуқуқларига оид халқаро декларацияда белгилаб қўйилган муҳим ҳуқуқ ҳисобланади. Демократик назария, бир томондан, динни ундан сиёсий максадларда фойдаланишга уринишлардан сақлайди, бошқа томондан эса, уни мутаассиблик ва жаҳолатда айбашлардан ҳимоя қилади.

Дунёвийлик тушунчасини динийлик билан мутлақ қарама-қарши қўйиш тўғриси эмас. Улар дунё ва инсон ҳаётининг моҳиятига турлича қараш усулларидир. Дунёвийлик тушунчасида диний ташкилотларни сиёсий ташкилотлардан ажратиш ва динийликни барча учун асос қилиб олмастик тамойили туради. Диндорлик эса, қалбга боглик ҳиссиёт. Уни барчага мажбурий сингдириш ҳеч қайси диний тамойилга тўғри келмайди. Дунёвий тараққиёт йўлини тутган давлатларда гарчи дин давлатдан ажратилган бўлса-да, жамиятдан ажралмаган. Бугунги кун воқелиги

шуни кўрсатяптики, дунёвий ва диний қадриятлар мувозанати бузилган жамиятларда ижтимоий тараққиёт масаласида жиддий муаммолар келиб чиқмоқда.

Ислом динида дунёвийликка динга ёт тушунча сифатида қаралмайди. Ислом динининг муқаддас манбалари — Қуръони карим ва Суннада ҳам дунёвийлик тамойиллари асосини кўришимиз мумкин. Қуръони каримдаги “Динда (динга) зўрлаш йўқ” (Бақара, 256) оятда дунёвийликнинг энг муҳим асосларидан бири мужассам бўлган. Унга қўра, диний ҳаёт тарзини мажбурлаб сингдириш мумкин эмас. Ушбу оятнинг сўнгги нозил бўлган оятлардан экани ҳам алоҳида эътиборга молик.

Динийлик ва дунёвийлик ҳақида сўз борганда, давлатчилик мавзусини ҳам назардан четда қолдириш мумкин эмас. Пайгамбаримиз Муҳаммад алай-хиссалом Мадинага кўчиб ўтганларида тузилган тарихий ҳужжат — Мадина саҳифасида (замонавий тилда Мадина конституцияси) дунёвий давлатчиликнинг муҳим жиҳатларини кўриш мумкин. Ушбу саҳифа Мадинадаги турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро тинч-тотув яшашини таъминлашга қаратилган эди. Саҳифада эски урф-одат ва анъаналар эътироф этилди, барча тоифаларнинг дини, келиб чиқишдан қатъи назар, тенглиги кўрсатиб ўтилди, ички ва ташқи хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик масалалари қайд этилди. Шу билан бирга, сиёсий ташкилотнинг тамомила янги кўринишдаги тамойиллари ишлаб чиқилди: ташқи душманга қарши бирдамликда ҳаракатланиш ва жамоанинг (шаҳар аҳолисининг) барча вакиллари бирдек ҳимоя қилиш, ҳар қандай жиноятни яқалаб қўйиш, яъни унинг уруғ ва қабиласи ҳимоясидан ажратилиши тўғрисида қабилалараро низоларга барҳам берилиши, барча аҳоли ягона халқ (уммат) деб қаралиши ва ҳоказо.

Саҳифада фуқаролик, яъни бир давлатнинг тенг ҳуқуқи ва тўлақонли аъзоси бўлиш имконияти ҳам ёритилган эди. Яъни дини, қабиласи, уруғидан қатъи назар, бир давлат ҳокимияти остида фуқаролик таъминлаши, уларнинг барчаси ўз динини сақлаган ҳолда бир жамиятга бирилашиши Саҳифанинг 1, 2, 25-35 ва бошқа бандларида қайд этилди. Мазкур ҳужжатда мусулмонлар ва бошқа дин вакиллари ўртасидаги муносабат фуқаролик тамойили асосида барпо этилиши кўзда тутилган. Натижада турли диний, сиёсий қарашларга эга инсонларнинг бир давлат ҳокимияти остида тенг ҳуқуқи бўлиб яшаши Мадина саҳифасида кафолатланди.

Ислом дини таълимотида давлат сиёсий тузилмасининг муайян шакли кўрсатилмаган бўлиб, фақатгина умумий тамойиллар белгиланган. Уламо-лар бу тамойиллар 4 та эканини айтиди: тенглик, эркинлик, адолат ва машварат. Ушбу тамойиллар ўрнатилса, давлат қандай шаклга эга эканидан қатъи назар, у ислом динига мувофиқ келади. Давлат бошқаруви тизими ўз диний қиёфасидан дунёвийликка юз тутиши 4 халифа даврида намоеън бўла бошлаган эди. Ана шу даврнинг ўзидек давлат ахлоқий-диний дарчали дунёвий тус касб эта бошлади. Форс

ва румликлардан ўзлаштирилган тажриба сифатида девонлар тузилди, давлатда вазифалар тақсимо-ти амалга оширилди. Бу девонлар, асосан, дунёвий максадлар юзасидан барпо этилган эди: почта, қўшин, муҳдорлик, ишчилар девонлари...

Бугунги кунда айрим бузғунчи кучлар томонидан замонавий дунёвий қонунчилик асосида ҳаёт кечирishi мусулмонлар учун мақбул эмаслиги ҳақида сохта даъволар тарқатилмоқда. Ваҳоланки, дунёвий қонунлар ҳақида етук ислом уламо-ларининг фикрларини қуйидагича умумлаштириш мумкин: замонавий жамиятларнинг ўз манфаатларини кўзлаб чиқарган қондалари гарчи шариятдан олинмаган бўлса-да, лекин шариятга зид келмаса, улар ҳам шариятга мувофиқ ҳисобланаверади. Инсон табиати-га хос бўлган айрим тамойиллар борки, улар фақат бир ҳолатдагина ўзгариши мумкин, қачонки фитрат бузилса. Эркинлик, адолат, тенглик, раҳмдиллик, зўравонликни ёмон кўриш, зулмни рад этиш замон ва макон ўзгариши билан ҳам ўзгармай-диган тамойиллардир. Мана шу тамойиллар асоси-да жамиятда бир-бирдан фарқланувчи қонунлар ишлаб чиқилган. Ҳар бир жамият муайян бир дав-рада ўзининг шароити ва имконига қараб юқоридаги тамойилларга зид келмайдиган қонунларни ишлаб чиқиши мумкин. Аммо ҳозирги кунда диний давлат қуришни даъво қилаётганлар диндаги ўзгармас тушунчалар ва ўзгарувчан тушунчаларни фарқламай аралаштириб юбориши оқибатида одамлар назар-ида ислом дини тараққиётни ортга тортувчи, ўтган асрларга қайтарувчи қолюқлик дини сифатида гавда-ланмоқда. Бу эса, исломнинг тараққийпарвар моҳия-тини тушуниб етмасликдандир.

Юқоридагилардан кўринадики, ислом динида дунёвийликка динсизлик сифатида баҳо берилма-ган. Дунёвий ишлар шахс ва жамият манфаатини кўзлар экан, улар дин таълимотларида доим қўла-лаб-қувватланган. Дин дунёвий ишларнинг маъна-вий жиҳатларини тартибга солиб турган. Умуман, демократик тизимларнинг конституцион норма-ларига давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар масаласидаги икки жиҳат аққол ажралиб туради. Биринчи навбатда, дин жамиятда инсонпарвар-лик руҳиятининг шаклланишида юксак маънавият бўлгои, беқиёс ахлоқий тарбия манбаи, инсонлар-ни ҳалоллик, поклик каби фазилатларга ундовчи қадрият сифатида эътироф этилади. Қолаверса, диндан ғаразли максадларга фойдаланиш, динни ниқоб қилиб сиёсатга аралашиш, ҳокимиятга инти-лиш каби ҳолатлар ман этилади.

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли — дунё-вий демократик йўл. Дин ахлоқий тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз диний эътиқодни чуқур ҳурмат қилган ҳолда, дунёвий тараққиёт йў-лидан илдам бормоқда. Шу ўринда сиёсий мақсад-лар йўлида диндан қишлоқ сифатида фойдаланиш, диний давлат барпо этишга бўлган ҳар қандай кўри-нишдаги ҳаракат дунёвий қадриятларга асосланган конституциямиз ва амалдаги қонунларимизга зид эканини таъкидлаб ўтиш лозим.

ХУШХАБАР

Оролбўйи ёшларига янги имконият

Тўртқўл туманида Тошкент давлат иқтисодий университетининг факультети очилди

Рўзимбой ҚУРБОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди

Ҳар бир халқ ва миллат фахрланадиган омиллардан энг асосийси — илм-фандир. Илмнинг шахс ва жамиятга қанчалик манфаати борлигини барча бирдек тан олади. Ривожланган давлатлар тажрибасига қарасак ҳам ҳар бир мамлакат иқтисодиётини илм-фанга тикилган инвестиция юқори босқичларга олиб чиққанини кўра-миз.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 май куни мактаб битирувчиларига йўллаган табри-гида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилдаги 9 фоиздан 2020 йилда 25 фоизга етгани, мазкур кўрсаткичи жорий йилда 28 фоизга, 2030 йилда 50 фоизга ет-ка-зиш — асосий вазифа экани алоҳида таъкид-ланди.

Ушбу вазифанинг ижроси бизнинг ҳудудимиз ҳаётида ҳам акс этди, десак асло хато қилмаган бўламиз. Сабаби, Қорақалпоғистон Республика-си ва Хоразм вилоятининг Оролбўйида жойлаш-гани, экологик муаммоларнинг мавжудлиги, шўр-ланиш даражасининг кучлилиги ҳамда ҳудудлар оралик масофаларининг бир-бирдан узоқлиги кўпгина соҳалар сингари иқтисодий соҳани ривожлантирувчи кадрларни тайёрлашга алоҳида зарурат туғилган эди. Шундан келиб чиқиб, аҳо-лининг олий таълим олиши-ни таъминлаш бо-расида яна бир хайрли ишга қўл урилди.

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 майдаги тошйирғига асосан, Тўртқўл туманида Тошкент давлат иқтисодёт университети-нинг факультети очила-диган бўлди. Факультетда 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб банк иши ва аудит, бухгалтер-ия ҳисоб-киتابи йўналишларида қабул йўлга қўйилади. Мазкур факультетда нафақат юр-тимиз ёшлари, балки қўшни туркманистонлик ўғил-қизлар ҳам тахсил олишлари мумкин.

Иқтисодий билимга эҳтиёж

Тўртқўл тумани аҳолиси азалдан таълимга, иқтисодий ўсишга интилиб, Оролбўйи ҳудуд-ининг маданият ўқоқларидан бири бўлиб келган.

Эсимда, мустақилликнинг илк йилларида Тошкент шахридан анча узоқда яшаётган Қо-рақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари янги банк, молия ва солиқ тизимида ишлашни бошлаган ёш ходимларининг касб ма-

лакасини ошириш, тайёрлаш, ўқитиш ва уларни ўзлари яшаётган ҳудуд аҳолисидан тайёрлаш эҳтиёжи пайдо бўлган эди. Уларнинг малакаси-ни оширишга ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун Тошкент шаҳрига хизмат сафарига жўнатиш тақозо этиларди. Бунинг устига, ушбу курсларга бориш учун ҳамманинг ҳам имконияти етарли бўлмаган. Шунингдек, банк соҳасида ишлаётган ходимларнинг кўпчилиги хотин-қизлар бўлгани, уларнинг оилавий шароити тўғри келмагани ҳам вазиятни анча мураккаблаштирарди. Бунга ушбу тоифага кирувчиларнинг иқтисодий ва моддий (молиявий) жиҳатдан имконияти чеклангани ҳам ўз таъсирини кўрсатарди. Ана шунда банк кол-лежи ва ўқув марказининг очилиши бу муаммо-ларнинг ҳал этилишига қўмақлашган эди. Лекин олий таълим олиш билан боглик масалалар кун тартибидида туриб келарди.

Янги олий таълим даргоҳининг очилиши маз-кур муаммоларни тўла ҳал қилди. Президенти-мизнинг Оролбўйи ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялашга қаратилган сиёсати қатъий давом этаётганини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, биз ота-оналарни жуда мамнун этмоқди. Чунки, эндиликда улар олий иқтисодий таълимни шундоқина ёнимизда олишади, мала-касини ҳам шу ерда оширишади. Бўш турган со-бик банк коллежи биносидида бунинг учун шарт-шар-оитлар етарли ва талабаларнинг ётоқхонада яшаши учун ҳам барча қулайликлар мавжуд.

Оролбўйида ҳам янгидан-янги саноат корхо-налари, замонавий уй-ҳойлар, коммуникация ва инфратузилма тармоқлари, ижтимоий соҳа объекти-ри барпо этилмоқда. Албатта, бу жа-раёнда ёшларимиз ўз ақл-идроки, юксак билим ва маҳорати билан иштирок этишга бел боғла-ган. Элимизнинг эртанги куни ҳам уларнинг салоҳияти билан юзга келади. Амминимки, Тўртқўлда очилган Тошкент давлат иқтисодиёт университети-нинг янги илм даргоҳи ана шу эзгу максадлар рўёби учун хизмат қилади, малака-ли олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг ну-фузли кўргонига айланади.

КИТОБ — ҚАЛБ ҚУЁШИ

Бугуннинг танлови:
Аудио китобми ёки босма китоб?



Ҳафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳри “Вилим” ахборот-кутубхона маркази директори

Китоб инсон қалбини ёритувчи, тафаккурини бойитувчи энг ноёб ҳазина. Бироқ бу хазинанинг қанчалар қадрли эканини ҳамма ҳам англаб етавермайди. Ҳаётда мураккабликни осонлаштириш ҳамда масофани яқин қилиш учун, аввало, инсоннинг ўз интилиши муҳим ўрин тутади. Қолаверса, инсоннинг руҳий олами-ни англаб етувчи устоз даражасидаги шахснинг маънавий турткиси ҳам керак бўлади.

Биз фаолиятимиз давомида китобхонлар са-фини кенгайтириш учун маънавий турткига сабаб бўладиган омилларга катта эътибор қаратамиз. Бу жараёнда китобхоннинг руҳий олами-дан ва қизиқи-шидан келиб чиққан ҳолда, соҳанинг тажрибали вакиллари билан маслаҳатлашиб иш кўра-миз. Шу кунгача бу эзгу мақсадни амалга ошириш масала-сига ижодий ёндашиб, кутубхонанинг тажрибали мутахассислари томонидан китобхонлар ўртасида сўровномалар ўтказилиб келинмоқда. Охириги шун-дай сўровнома натижасига кўра, ёш китобхонлар кўпроқ электрон адабиётлар мутлоаа қилишни ва аудио китоб тинглашни, 30 ёшдан ошганлар ва ёши катта китобхонлар эса, кўпроқ анъанавий, босма шаклдаги китобларни ўқишни маъқул кўради.

Бугунги кунда кутубхонамиз фойдаланувчи-ларининг аксарияти бадий адабиётлар, тарихий асарлар, психологияга оид адабиётлар, детектив асарларга қизиқади. Шунингдек, газета ва журнал-ларга ҳам талаб катта.

Биз оилавий ўқиймиз!

Марказимизда 7 ёшдан 90 ёшгача бўлган аҳоли-га хизмат кўрсатилади. Уларни ҳар бирининг тур-лича қизиқиш ва сўровлари бор. Имкон қадар ҳар бир китобхоннинг талабини қондиришга ҳаракат қиламиз. Ёшлар мактаб ёки бошқа таълим муассас-салари орқали қамраб олинади. Шу билан бирга, кексалар, кўп болали аёллар, имконияти чеклан-ган инсонларга ҳам алоҳида ихтисослаштирилган хизмат турлари ташкил этилган. Маҳалла фуқо-лар йиғинларидан уларнинг рўйхатини, манзиллини олиб, “Бир соатли мутлоаа вақти”, “Биз оилавий ўқиймиз”, “Мен китобни севаман” каби акциялар ташкил этган ҳолда, уйлари-га кириб бора-миз.

Пандемия тўғрисидаги маълумотлар билан “Ки-тоб китобхонага боради!” шiori остида тadbирлар

уюштирилмоқда. Ушбу акция “Вилим” ахборот-кутубхо-на маркази ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда тузилган режа асосида “Китобхон маҳал-ла” лойиҳаси доирасида мунтазам равишда ташкил этилиши китобсевар халқимиз ўз вақтини мазмунли ва қизиқарли ўтказишига мустаҳкам замин яратмоқда.

Камбағал оилада туғилган ва болалиги “Буюк инки-роз” даврига тўғри келган америкалик ёзувчи Рэй Бредберининг ёнани келажакга айнан кутубхонадан бошланган экан. Ота-онаси молиявий қийинчиликлар тўғрисида фарзандини коллежга кирита олмагани учун бўлажак адиб ҳар куни газета мутлоаасидан ташқари асосий вақтини уйи қўйидаги зиё масканида ўтказган.

“19 ёшимда коллежга кира олмадим, чунки оила-миз қашшоқ эди. Пулимиз йўқ эди. Шунинг учун кутуб-хонага борардим. Ҳафтасига уч кун китоб ўқирдим. 27 ёшимда эса, университет ўрнига кутубхонани мут-лақ бепул тамомлаганман”, деб ёзади у кейинчалик.

Ижодкор ҳаёти давомида 800 дан ортиқ асар ёзгани, уларнинг аксарияти кино қилингани, ночор болакайдан бой кишига айлангани, “классик фан-тастика жанри отаси” дея тан олинмишида айнан кутубхона асосий роль ўйнаганини эътироф этади. Буюк ёзувчининг компилликка интилиши ўз шахсий истак-хоҳиши самарасидир. Аммо бугунги кунда инсонларни китобдан қалғитадиган жуда кўп оми-лар мавжуд. Шулардан бири ижтимоий тармоқлар-дир. Шунинг учун бугунги ёшларни ижтимоий тар-моқдан фақат эзгу мақсадларда фойдаланишга ўргатиш керак. Акс ҳолда, келажакимиз “ижтимоий тармоқчи” ёшлар қўлида қолади.

“Авлодлар довони”ни 50 йилдан бери ўқийман

Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асари-да муҳаддас зот — оналар таърифи жуда маро-

“скринлар”дан иборат электрон эмас, балки жапон-ларда тахланган, саҳифаларига белги қўйилган босма шаклда бўлса, нур устига нур бўлади.

Телевизор олдида ўтирган ўнта бола

Шу ўринда бир савол туғилади: Фарзандларимиз қайси ёшдан мутлоани бошлаши керак? Бу савол, ал-батта, она-оналар каби кутубхона мутахассисларини ҳам қизиқтиради. Айнан 3-7 ёшда болада мотивация, ўз-ўзини намоеън этиш, барпо қилиш, ниманидир бажа-риш хоҳиш-истаги, интилиш пайдо бўлади. Айнан шу даврда бола шахс сифатида шаклланиши учун маъна-вий пойдевор яратилади. Бу ёшдаги болалар ахборот-ни тез илғай оладилар. Фарзанднинг келажакга ота-она қўлида, боланинг мураккаб қалбидида китобга нисбатан қи-зиқиш, меҳр уйғотиш кераки, у доимо китобни севсин, ардоқласин, китоб устида ишлашни билсин.

Президентимиз ўз нутқларидан бирида: “Бугун китоб ўқиб ўтирган битта бола эртага телевизор олдида ўтирган ўнта бола-ни бошқариши мумкин”, деб таъкидлаган эди. Бинобарин, бугунги кунда халқ-имизни китобга, мутлоаага қайтариш борасида кўп-ла амалий ишлар ва тадқиқотлар қилинмоқда. Хусусан, кутубхонамизнинг тажрибали мутахассислари томо-нидан 3-7 ёшгача бўлган болажонлар учун мактабга-ча таълим ташкилотларида “Эртақеролия” лойиҳаси до-ирасида кўча кутубхона уюштирилмоқда.

Шунингдек, кутубхонамизда “Китобхон она ва ки-тобхон бола” клуби ташкил этилиб, унга аъзо бўл-ган ёш оналар ва уларнинг фарзандлари ўртасида дав-ра суҳбатлари ва эртақ китоблар тарғиботи ўт-казилади.

Кутубхоначиларга доим “Китобни интернетдан ўқиган афзалми ёки ўзини ўқиб маъқулми?” деган саволни жуда кўп беришади. Назаримизда, бу сав-ол энди анча эскирди. Бунинг ўрнига биз ўзимизга “Ҳаётда ўз ўрнини топишми учун қандай асарларни ўқийми керак?” деган саволни беришимиз лозим. Бу савол замирида бутун бир авлод тарбияси, унинг кел-гусида шахс бўлиш шаклланиши, бир сўз билан айт-ганда, шахс камолоти туриши керак. Бу масъулиятли вазифани нафақат кутубхоначилар, балки миллат келажакга учун қайғурган ҳар бир шахс ўз дастурул-амалига айлантириши лозим.



ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ

Нигора Турсункулова: ТОКИО ОЛИМПИАДАСИДА ШОҲСУПАДАН ЎРИН ОЛИШНИ НИЯТ ҚИЛЯПМАН

Умр — йўл, инсон — йўловчи. Сайёҳ сафарга отландими, йўл босиб ўтила- жак. Сафарда эса чидамли одамгина муваффақият қозонади. Бугунги ҳахра- момимиз ҳам ютуқларига чидам ва сабр билан эришган.

Нигора Турсункулова 10 ёшида спорт оламига кириб келди. 2010 йилдан буён WTF тазквондо билан шуғулланади. 2013 йил терма жамоа сафига қа- бул қилинган. “Хан-Ган” клуби тарбияланувчиси. 2016 йилги Рио Олимпиадаси иштирокчиси. Қитъа чемпиони. Осиё ўйинлари совриндори. Гран-при турнир- лари, турли нуфуздаги 20 дан ортиқ халқаро мусобақанинг ғолиб ва соврин- дори. Халқаро тоифадаги спорт устаси.

Бугун мамлакатимизда хотин-қизлар спортига алоҳида эътибор қарати- лаётгани, улар муваффақиятлари билан бу эътиборни оқлаётгани, жамият- да ўз нуфузига эга бўлаётганини эътироф этиш лозим. Биз Токио Олимпиа- даси олдида Нигорани суҳбатга чорладик.

— Инсонга ўзи севган, ўзи қизиққан машғулот билан шуғулланиши ҳами- ша қувонч келтиради, хотиржамлик бағишлайди. Спортнинг ҳаётингизда қандай аҳамиятга эгаллиги барчани қизиқтиради.

— Спорт — ҳаётимнинг бир қисми. Болалигимдан спортга қизиқдим. Машғу- лотларда тобландим. Устозлар меҳнати ва маслаҳати туфайли бугунги кунга етиб келдим. Спорт менга сабр-бардош- ни, чидамлилиқни ўргатди. Орзуларим, мақсадларим — барчасига эришишда спортнинг ҳиссаси бор.

— Одимлар биринчи қадамдан бошланади. Спортга кириб келишин- гиз, илк машғулот, мураббий... Ўн йил ортга қайтсак?!

— Ҳар бир инсон қайси йўналишда бўлмасин, илк қадамини ёдда сақлаб қолса керак. Тазквондонни ёқтириб қоли- шимга ва унга меҳр қўйишимга мураб- бийим Дмитрий Хван сабабчи бўлган. У тўғаракка келган ҳар бир болага ўзгача муносабатда бўлади, қалбига йўл топа олади. Машғулотлар давридаги қийинчи- ликлар, тушуновчиликлар, ғалабалару муваффақиятсизликлар — барчаси мен- га катта сабоқ бўлди. Мураббийим билан худди дўстдек гаплашамиз, сирлашамиз. Муаммоларимизни тортинмай айтмиз, қийинчиликларни енгилга, турли синов- лардан ўтишда керакли маслаҳатини аямайди. Менда қандай вазият бўлмас- ин, мусобақада ғалабага эришсам ҳам, ютқазиб қўйсам ҳам қўл силтаб ташлаб кетмайди, аксинча, худди ўз отамдек тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилади. Бундай мураббийни эъзозламаслик, ме- нинг назаримда, катта хато.



устимда меҳнат қилиш кераклигини ан- лайман ва машғулотларга зўр бераман. Насиб қилса, ҳаммаси яхши бўлади, деб ўзимни ишонтираман. Ҳаётимда рубару келадиган муваффақиятлар борасида ҳам шундай.

— Оилада ким сизга яқин ёрдамчи ва маслаҳатчи?

— Оилада онам, отам ва икки акам бор. Улар мени ҳар доим эшитади ва ўз ўрнида далда бўлади, қўллаб-қувват- лаيدди. Инсон руҳий тетиклиқни оилада- ги яқинларидан олади. Менда ҳам шун- дай. Улар менинг таянчим, қувончим ва борлигимдир.

— Тазквондо ғалабалардан ташқа- ри сизга яна нима берди?

— Худо ҳар бандани қўллаيدди. Мен бунга ишонаман. Тазквондо орқали жуда кўп натижаларга эришдим. Соғлом бўлишга, соғлом фикрлашга, ўз устимда ишлашга, ҳаётда энгилмасликка ва иродали бўлишга, Ватаним шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга ургандим. Дунё кўрдим, билим оляпман. Бизда барча шароитлар бор,

фақат ундан тўғри фойдаланиб ҳаракат қилиш кераклигини англадим. Мухлис- лар қалбидан жой олдим. Бунинг ўзи ҳам катта бахт. Ўзбекистон WTF тазквондо уюшмаси катта бир оила ва бу оиланинг аъзоси эканимдан фахрланаман.

— Иорданиядаги лицензион тур- нирдан қандай ҳиссиётлар қолди?

— Ажойиб! Олимпиадага йўлланма олганимдан жуда ҳам хурсандман. На- фақат ўзим, балки жамоадорим Улуғ- бек Рашидов йўлланма олгани учун ҳам икки қарра хурсанд бўлдим. Ўзимиз ёғу- бўлгани учун Яратгандан миннатдорман. Ўшбу лицензияларни қўлга киритишда бизга барча шароитларни яратиб берган раҳбариятимизга, мураббийларимизга ва ота-оналаримизга минг раҳмат. Жанглар- дан олдин Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон WTF тазквондо уюшмаси раиси Шерзод Тошматов Иорданияга етиб келди ва зал- нинг ўзида бизни қўллаб-қувватлаб турди. Бу бизга, албатта, қўшимча куч берди.

— Ҳадемай Токио Олимпиадасига старт берилди. Аини дамба кўнглин- гиздан нималар ўтапти?

— Афсонавий боксчи Муҳаммад Али: “Одам машғулот залларида чемпион бўлмайди. Чемпион бўлиш учун ишни руҳиятдан бошлаш керак — истак, орзу ва ўз ғалабасини аниқ-тиниқ ҳис қилиш- гина кишини мақсадига элтади”, деган эди. Рио Олимпиадасида иштирок эт- тим, бироқ совриндорлар қаторидан жой олиш насиб этмади. Худо хоҳласа, Токио Олимпиадаси мусобақаларида шохсупа- дан ўрин олишни ният қиляпман.

Давлатимиз раҳбари Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда сўз- лаган нутқида биз — Токио Олимпиада- си иштирокчиларига ютуқ ва зафарлар тилади. Президентимизнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши мусобақаларда мен- га куч беради. Асосий мақсад — Ўзе- бекстон шарафини ҳимоя қилиш.

— Орзуларингиз ушалсин. Сиздан юксак ғалабалар кутамиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Башорат ЮНУСОВА суҳбатлашди.

СЎЗ — ТОКИО ОЛИМПИАДАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ СОҲИБЛАРИГА

Кучли иштиёқ билан медаллар учун курашамиз

Ғулломжон АБДУЛЛАЕВ, Эркин кураш бўйича Осиё чемпиони, “Шуҳрат” медали совриндори:

— Янгибодда ўқув-машғулот йиғи- ни ўтказаятгандик. Ўй-фикрим Токио Олимпиадаси билан банд, мақсадим чемпион бўлиш. Дафъатан залга ки- риб келган мураббийларимиз Олимжон Ҳикматов ва Абдурауф Бозорбоев бир зум машғулотни тўхтатишимизни сўради. Президентимиз мени давлат мукофотида лойиқ кўрганини айти- шиб, бирма-бир бағриларига босиб, елкамга қоқиб қўйди. Энди, албат- та, Токиодан олтин медал билан қайтишим шартлигини айтди. Бун- дан ўзимда йўқ хурсанд эдим. Очиги, Президентимиз халқимиз олдидаги ар- зимас меҳнатим учун мени “Шуҳрат” медали билан тақдирлашини ҳеч кут- магандим. Бу мен учун қутилмаган янгилик, рағбат бўлди.

Дарҳол уйга кўнғироқ қилиб, хуш- хабарни яқинларимга етказдим. Би- ласизми, ота-она учун фарзандининг ютуғи энг катта муқофот. Оила аъзоларим, мураббийларимни хушнуд эта олганимдан бахтиёрман.

Буларнинг бари юртимизда Прези- дентимиз томонидан ёшларга қара- тилган эътибор ва ғамхўрликнинг маҳсули деб ҳисоблайман. Насиб қил- са, Токио Олимпиадасида ўз натижа- ларимиз билан бу эътиборга муносиб жавоб қайтарамиз.



Ҳозир бор эътибор тўрт йил- ликнинг энг нуфузли мусобақасига жиддий тайёргарлик кўриш учун қар- ратилган. Бу борада давлатимиз то- монидан барча шароитлар яратил- ган. Пандемияга қарамай, бир нечта халқаро ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этилди. Жаҳон мусобақалари- да иштирок этдик.

Ҳа, таркибдаги энг ёш спортчилар- дан бириман. Илк бор Олимпиадада қатнашаман. Рақибларимга нисбатан тажрибам камдек кўриниши мумкин. Лекин кучли иштиёқ эвазига биздан қутилаётган медалларни қўлга ки- ритишга астойдил ҳаракат қиламиз.



Ишонч — туганмас қувват

Шаҳноза МИРЗАЕВА, Канозда эшакка эшиш бўйича жаҳон чемпиони:

— Бахтсиз ҳодисага учраб, шифт- га термулиб ётган кезларим кимдир, “спорт ҳаётингни тубдан ўзгарти- риб юборади”, деган фикрни айтса, табиийки ишонмасдим. Бироқ шундай бўлди: параканоз спортни ҳаётимга мазмун, қоронғу кунларимга ранг ки- ритди.

Мақтабда бошланғич синфда ўқи- ган кезларимдаёқ спортга меҳр қўй- дим. Жисмоний тарбия фанини яхши кўрар, тенгдошларимга қараганда тез югурар эдим. Бироқ 10 ёшимда бахтсиз ҳодисага учраб, бир оёғимдан айрилдим. Икки йўл орасида тирик қо- лиш бахт экан. Яқинларим ҳам, ўзим ҳам тирик қолганимга шукр қилдик: тақдиреа битилгани шу экан.

Бахтсиз ҳодисадан сўнг руҳим кўчиб қолди. Бу ҳоҳдан ўзимни қутқа- риш учун мактабимиздаги баскетбол машғулотида мунтазам қатнадим. 3 йиллик машқлардан сўнг пневма- тик милтиқдан ўқ отишга қизиқиб қолдим. Бироқ бу спорт тури ҳам ҳаётимдаги бўлиқни тўлдирол- масди. Коллежда ўқиб юрган кезларим эса Артём Кармеев параканоз билан шуғулланиб кўришимни таъсия қилди. Параканоз, бугун фахр билан айта оламнки, мени кашф қилди: нафақат



Ўзбекистон, балки жаҳон ареналари- да Ўзбекистон билан менинг исмим ёнма-ён янгарай бошлади. Канозда эшакка эшиш дастлаб вақтимни маз- мунли ўтказувчи машғулот бўлган бўлса, ҳозир ҳаётимни усиз тасаввур қила олмайман.

Ёшлар кун муносабати билан бў- либ ўтган учрашувда Президентимиз- нинг Токио Олимпиадасига йўллан- мани қўлга киритган спортчиларга муносабатидан бошим қўкка етди. Нафақат биз, бизни тарбиялаган, камолга етказган ота-оналаримиз, устоз ва мураббийларимиз ҳам мамнун бўлди. Бу ишонч ғалаба қозониш учун энгилмас қувват манбаи эмасми?!

Эътироф

Ўзбекистон спортчилари **2021** йил Япониянинг Токио шаҳрида ўт- казиладиган **XXXII** ёзги Олимпия ўйинларига **17** спорт тури бўйича **73** та йўлланмани қўлга киритди. Бу Ўзбекистон спорт тарихида йўлланмалар ва спорт турла- ри сони бўйича рекорд кўрсаткич.

Тазквондо бўйи- ча терма жамоамиз ўз та- рихида биринчи марта Олим- пия ўйинларида тўлиқ таркибда **(2+2)** иштирок этади.

Президентимизнинг хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратаётган эътибори билан Токио Олимпиа- дасида лицензия қўлга киритган спортчи хотин-қизлар сони **28** нафарга етди. Бу Олимпиада- ларда Ўзбекистоннинг аёллар спортда қайд этаётган энг яхши натижаси.

Хамюртимиз Оксана Чусовитинанинг номи дунё спорт гимнастикаси тарихи саҳифаларига Олимпиада ўйинларида **8** марта иштирок этган ягона спорт гимнастика устаси сифатида битилади.

Ольга Забелинская Токио Олимпиадасида велоспорт бўйича аёллар ўртасида дастлабки ўзбекистонлик спортчи бўлиб тарих- га киради.